

63
ж-51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ



**« ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ »
мавзусида ўтказиладиган XII
анъанавий илмий-амалий анжуман
мақолалар тўплами**

(11 – 12 АПРЕЛЬ)

ТОШКЕНТ – 2013

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

**“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ
МУАММОЛАРИ”**

МАВЗУСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА
СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, ВАЗИРЛИК ТАСАРРУФИДАГИ
ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИ ВА БАРЧА ТУРДОШ ОЛИЙ ТАЪЛИМ
МУАССАСАЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА МИКЁСИДАГИ
ИҚТИДОРЛИ ТАЛАБАЛАР, ЁШ ОЛИМЛАР ВА
МАГИСТРАНТЛАРНИНГ АНАНАВИЙ
ХII ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАНИНИНГ
МАҚОЛАЛАР ТЎПЛАМИ

I-ҚИСМ

ТОШКЕНТ -2013

21.	Курболов Ж. – магистрант	Сув хўжалиги инфратузилмаларини модернизациялашда 2012-2015 йилларда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сувдан оқилна фойдаланиш бўйича комплекс тадбирлар дастурининг аҳамияти. <i>Илмий раҳбар: доц. Ж. Рашидов</i>	59
22.	Мамараимов А.Ж. – магистрант, Юсулов Ш.Н. – илмий излаувчи-си.	Географик ахборат тизимлари ёки объектив борликни рақамли моделлаштириш усулларининг ривожланиши. <i>Илмий раҳбар: т.ф.н. Нишонов Б.Э.</i>	62
23.	Мамараимов А.Ж. – магистрант, Юсулов Ш.Н. – илмий излаувчи.	Геоахборот технологиялари ердамида ер ости сизот сувлари сатхи ва минерализациясининг фазовий таҳлили. <i>Илмий раҳбар: т.ф.н. Нишонов Б.Э.</i>	64
24.	Маматалиева Г.Б. – талаба	Томчилатиб сугориш усулини қўллаш - сув танқислиги муаммосининг асосий ечими.	67
25.	Маматов С.А., Ибрагимов Ф.И, Акбарова К.Х. (ИСМИТИ)	Кичик дарё хавзасида кишлоқ хўжалик майдонлари сув билан таъминланганлигини яхшилаш чоралари	69
26.	Мирзаев К.К – магистрант.	Аرنасой сув оёборини гидроэкологик ҳолати ва уни соғломлаштириш. <i>Илмий раҳбар доц. Хасанханова Г.М.</i>	72
27.	Муминов Н. – магистрант	Агроемелиоративные мероприятия по водосбережению и улучшению мелиоративного состояния орошаемых земель. <i>Илмий раҳбар: доц. Мухамедов А.К.</i>	73
28.	Нарзуллаев Ж.Д. – магистрант	«Оқ-олтин» навини етиштириш агротехникаси <i>Илмий раҳбар: доц. Ш.Ч.Ботиров</i>	75
29.	Нурбаев Н. М. – магистрант	Илгор чет эл давлатларида фермер хўжаликлари учун тезкор сувдан фойдаланиш режасини тузишнинг назариялари ва амалга ошириш усулини қўллаш. <i>Илмий раҳбар: проф. Бариев Ф.А.</i>	77
30.	Нурмонова М.Б. – магистрант	Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманида мелиоратив ҳолати ёмон ерларда бажарилаётган геодезик ишлар ва уларни такомиллаштириш йўллари. <i>Илмий раҳбар: А.М.Мукумов</i>	79
31.	Нурмонова М.Б. – магистрант	Мелиоратив ҳолати ёмон ерларни яхшилашда бажарилаётган геодезик ишлар (Амударё тумани минсолида) <i>Илмий раҳбар: и.ф.н. М.Ж.Туластанов</i>	81
32.	Нурмонова М.Б. – магистрант	Геодезик ишларнинг кишлоқ хўжалиги ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашдаги аҳамияти. <i>Илмий раҳбар доц. И.М.Мусаев</i>	83
33.	Орзикулов А. – талаба	Параболик шаклидаги сув сарфини ўлчаш иншоотини ҳисоби	86
34.	Отамуродов, С. Р. – талаба	Хоразми вилояти Янгибозор тумани шароитида шўр ювиш мейёрлари. <i>Илмий раҳбар: асс. Рамазанов У.Х.</i>	88
35.	Пардаев Ш., Азизов А. – магистрантлар	Дашт-чўл шароитида томчилатиб сугоришни қўллаш. <i>Илмий раҳбар: доц. Шукруллаев Х.</i>	91
36.	Раҳиев Ж.А – магистрант, О. Хамидов – студент 3 курса факультета ГМ	Сувни тежашда турли хил сугориш усулларининг самардорлиги <i>Илмий раҳбар: проф. Бариев Ф.А.</i>	92
37.	Раҳматов Б., Хабибов Х. – магистрантлар	Ирригация ва мелиорацияга сарфланаётган инвестицияларнинг самардорлигини ошириш. <i>Илмий раҳбар: доц. Шукруллаев Х.</i>	95
38.	Каурова Н. – талаба	Yerlarning meliorativ holatini yaxshilashga qaratilgan chora tadbirlar samarasi. <i>Ilmiy rahbar: ass. Shukurlayeva R.</i>	96
39.	Sharifov N. – талаба	Sug'orish tarmoqlarini takomillashtirish va suv isrofgarchiligini oldini olish <i>Ilmiy rahbar: ass. Bekmirzayev G'.</i>	99
40.	Садыкова Ш.Ш. – магистрант	Помежзоточные культуры как резерв увеличения производства кормовых культур и улучшения мелиоративного состояния земель. <i>Научный руководитель: проф. Умурзаков У.П.</i>	101
41.	Салохиддинова П.А. – талаба	Ирригацион сизот сувлари захираларини асослаш тайойинлари. <i>Илмий раҳбар: доц. Юсулов Ф.У.</i>	103
42.	Самиев Л.Н., ассистент, Ахунджанов Д.Ф. (ТАҚИ).	Тупрок каналларда гидравлик қаршилликлар	106

мм. Сроки рыхления устанавливаются по величине предполливной влажности активного слоя почвы. Глубокое рыхление должно быть завершено до наступления фазы цветения или с наступлением времени полного смыкания корней хлопчатника. Количество поливов при глубоком рыхлении в три этапа как минимум сокращается на один полив или на 800-1000 м³/га снижается оросительная норма, урожайность получается выше, чем при обычной технологии как минимум на 7 ц/га. При этом, опасного роста засоления активного слоя почвы не наблюдается.

В результате анализа проведенных исследований сделаны следующие выводы:

1. Последнее поэтапное рыхление активного слоя почвы позволяет отодвинуть сроки первого полива хлопчатника до фазы цветения, благодаря привлечению запасов влаги из более глубоких горизонтов почвы и грунтовых вод.
2. Последнее рыхление проводимое в три и более этапа приводит к массовому повреждению корней и последующему значительному снижению урожайности хлопчатника.
3. Установлено, что при последнем трех этапном рыхлении степень засоления почвы и уровень грунтовых вод оказались ниже, чем при обычной культивации и двух этапном рыхлении. При третьем этапе рыхления на глубину 38-40 см влага из нижних слоев почвы и грунтовых вод по капиллярам поднимается до рыхленного слоя. Влага из этого слоя расходуется только на транспирацию растениями, не испаряясь через поверхность почвы, далее вверх она не имеет возможности продвигаться из-за разрушенных рабочим органом капиллярных трубок.
4. При последнем 3-х этапном рыхлении оптимальными элементами бороздкового полива следует считать: расход поливной борозды 0,35 л/с, с продолжительностью полива 0,5-1,5 секунд, длину борозды при обычной культивации и рыхлении в один этап 275-250 м, при рыхлении на глубину 28-30 см – 250-225 м, при рыхлении в три этапа-225-210 м. При этом достигается экономия 1700 м³/га оросительной воды.

Использованная литература:

1. Бараев Ф., Умурзаков У., Шероф А., Аббасханов М. Рыхление последное и поэтапное // Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиқ журнали. - Тошкент, 2006. - № 9. - 36-37 б.
2. Бараев Ф., Аббасханов М. Технология сработки почв в целях улучшения мелiorативного состояния орошаемых земель и экономии оросительной воды // Актуальные проблемы науки и образования в современных условиях: Сб. науч. тр. - Шымкент, Южно-Казахстанский гуманитарный институт им. М.Сапарбаева, 2008. - С.

УДК:633.51.631.675/442.6

«ОК-ОЛТИН» НАВИНИ ЕТИШГИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ Нарзуллаев Ж.Д.- магистрант

Истикболли пахта навларини яратиш бу ювори хосилдорликка эришилди деган гап эмас. Бу эса масаланинг некинчи томони ҳам бор. Ҳаммамизга маълумки, юкори хосилдорликни таъминлаб берувчи асосий мелiorатив омиллардан бири бу ўсимликни туғри суғоришдир, яъни унинг оптимал суғориш тартибини ўрнатишдир.

Ҳозирги кунга келиб бир қанча институтлар ва илмий-тадқиқот муассасалари томонидан яратилаётган янги истикболли гўза навларининг суғориш тартибини такомиллаштириш бўйича бир қанча ишлар қилинмоқда [1].

Бу тадқиқот иши олдида қуйидаги вазифа ва мақсад қўйилган.

Мақсади: Тошкент вилояти шароитида гўза навини парваришлашнинг мақбул агротадбирларини ишлаб чиқиш.

Вазифаси: Тошкент вилояти шароитида экилга гўза навининг суғориш тартиблари ва озунка (NPK) меъёрларининг гўзанинг ўсиши, ривожланиши, хосил ва қуруқ масса тўплаши, пахта толаси сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш ҳамда фермер хўжалиқларига тавсиялар беришдан иберат. Ягона тажриба тизини асосида ЎзПИТИ марказий тажриба хўжалиғи типик-бўз тупроқлар шароитида тадқиқот ишларини олиб борилди. Тадқиқотлар ЎзПИТИда ишлаб чиқилган услубий қўлланмаларга риоя қилган ҳолда ўтказилди [2].

Дала тажрибалари ва синовларда тупроқдаги сув олди намлик тартибини икки вариантти ЧДНСга нисбатан 65-65-65%, 70-70-65%, NPKнинг уч меъёри N-160, P-112, K-80 кг/га, N-190, P-133, K-95 кг/га ва N-220, P-154, K-110 кг/га (соф холда) таъминланган холда ўрганилди (1-жадвал).

Тажриба тизими

1-жадвал

Вариант	Ўза навлари	Тупроқнинг сугориш олди намлиги ЧДНС %	Минерал ўғитларнинг йиллик меъёри, кг/га(соф холда)		
			N	P	K
1	Оқ-олтин	65-65-65	160	112	80
2	Оқ-олтин		190	133	95
3	Оқ-олтин		220	154	110
4	Оқ-олтин	70-70-65	160	112	80
5	Оқ-олтин		190	133	95
6	Оқ-олтин		220	154	110

Мавсум бошида тажриба даласининг сув-физик хоссалари аниқланди. Тажриба даласининг мавсум бошида тупроқнинг хажм оғирлиги, чекланган дала нам сизими (ЧДНС)%, тупроқнинг сув ўтказувчанлиги аниқланди. Тупроқнинг хажм оғирлиги 0-70 см да 1,35 г/см³, 0-100 см да 1,37 г/см³ тенг бўлди. Чекланган дала нам сизими 0-70 см да 21,8 %, 0-100 см да 22,0 % га тенг бўлди. Тупроқнинг сув ўтказувчанлиги 6 соат давомида 902 м³/га ни ташкил этди.

Ўзани сугориш тайёрланган дастур асосида олиб борилди. Оқ-олтин навини олдиндан белгиланган сугориш олди намлиги асосида ±0,5-2,0 % фарқи билан сугордик. Оқ-олтин навини ЧДНС га нисбатан 65-65-65 % режимда 1-3-1 тизим асосида, сугориш оралиғи 21-26 кун, амал-ўсув даврида 840-1140 м³/га, мавсум давомида 5040 м³/га сугорилганда ўсимликнинг ўсиши, ривожланиши ҳосил тўплаши бир мунча юқори бўлганлиги кузатилди.


ЧДНС га нисбатан 70-70-65% режимда 1-4-1 тизим асосида, сугориш оралиғи 18-25 кун, амал-ўсув даврида 810-940 м³/га, мавсум давомида 5310 м³/га сугорилганда ЧДНС га нисбатан 65-65-65% режимдаги қараганда озроқ ривож паст бўлди.

Минерал ўғитни тажриба тизимида кўрсатилган NPK меъёрлари асосида бердик. Яъни азотнинг фосфорга ва калийга нисбати 1:0,7:0,5 миқдорда берилди.

Ўғит нормалари қуйидаги мулдатларда берилди. Кузги шудгордан олдин P-75; 90; 100 кг/га, K-45; 50; 55 кг/га, 2-4 чин барг чиққанда N-50; 60 кг/га, P-37; 43; 54 кг/га, шоналаш бошланганда N-55; 70; 80 кг/га, K-35; 45; 55 кг/га, гуллаш бошланганда N-55; 70; 80 кг/га.

Тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, ўрта толали Оқ-олтин ўза навида ЧДНС га нисбатан 65-65-65% режимда ўртача пахта ҳосилдорлиги 26,0-31,3 ц/га ташкил қилди, ўғит меъёрининг оширилиш ҳисобига 5,3 ц/га кўпроқ ҳосил олинди.

ЧДНС га нисбатан 70-70-65% режимда 25,1-29,4 ц/га ташкил қилди, ўғит меъёрининг оширилиш ҳисобига 4,3 ц/га кўпроқ ҳосил олинди (1-расм).



1-расм. Сув-озикта меъёрларининг пахта ҳосилдорлигига таъсири

Вариантлардан олинган пахта ҳосилини Б.А.Доспеховнинг усули бўйича математик ишлов берилди [3].

Тошкент вилояти типик-бўз тупроқлар шароитида олиб берилган дала тажрибалари асосида куйидагича хулосага келишимиз мумкин:

1. ЧДНСга нисбатан 65-65-65%, яъни 1-3-1 тизим асосида 5040 м³/га сугорилганда, ўғит меъёри N-220; P-154; K-110 кг/га ни берилган вариантда юкори ҳосилдорликка эришдик. Ҳосилдорлик 31,3 ц/га етди.

2. ЧДНСга нисбатан 70-70-65 %, яъни 1-4-1 схемада 5310 м³/га сув берилганда, ЧДНС га нисбатан 65-65-65% режимдаги қараганда озрок ривож пает бўлди. Ҳосилдорлик 29,4 ц/га етди.

Олиб берилган тажрибадан куйидаги хулосага келинди:

Ўрта тодали Оқ-олтин гўза навини 65-65-65% намликда сугориш, ўғитлар меъёри N-220; P-154; K-110 кг/га берилгани макул.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б., Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси» -Тошкент: «Шарқ» 2008. -408 б.
2. Нурматов Ш ва бошқалар. «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» ЎзПИТИ, Тошкент-2007.
3. Доспехов Б.А. «Методика полевого опыта» Москва «Колос» 1979.

Илмий раҳбар: дои. Ш.Ч.Ботиров

УДК 631.6

ИЛГОР ЧЕТ ЭЛ ДАВЛАТЛАРИДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ УЧУН ТЕЗКОР СУВДАН ФОЙДАЛАНИШ РЕЖАСИНИ ТУЗИШДА НАЗАРИЯЛАРИ ВА АМАЛГА ОШИРИШ УСУЛИНИ ҚЎЛЛАШ

Н. М. Нурбаев- магистранти

Анотация

Мақолада илгор чет давлатларда кенг қўлланиладиган тезкор маълумот маслаҳат берувчи сугориш тизими туғрисида маълумот берилмоқда.

Хорижий мамлакатларда, масалан Америка Қўшма Штатларида, Голландияда Қишлоқ хўжалигида фақат 7% аҳоли ишлайди, лекин бу мамлакатлар нафақат ўз халқини, балки бошқа кўп давлатларга ўз қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам экспорт қиладилар. Ўзбекистонда эса Қишлоқ хўжалигида 60% аҳоли ишлашига қарамадан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг айрим турлари четдан импорт қилинмоқда. Ҳар йили дон, гўшт ва бошқа муҳим моллар чет элдан Ўзбекистонга олиб келинаёпти.

Бундай муаммоларни ҳал этиш мақсадида Президент Қаримов И.А. Қишлоқ хўжалигини тезлик билан ривожлантириш лозимлигини таъкидлаб, қишлоқ хўжалигида бозор иқтисодиёти шароитига мос тушадиган ислохатлар ўтказилишига йўлланмалар кўрсатди.

Сувдан фойдаланишда ҳам ўзига ҳос талабларни кўйди. Ҳар бир фермер ўз экинларини қачон ва қанча усулда, қандай вақтларда сугоришини ўзи аниқлаб, давлат сугориш тармоқларидан сув олиши мумкинлигини ўзи аниқлайди. Фермер талабига биноан керакли микдордаги сувни СФУ ходимлари давлат сугориш тармоқларидан бўлиб берадилар. Бундай ишларни ташкил қилиш учун фермерлар ва СФУ бошлиғи ўртасида олдиндан шартнома тузилади. Сувга муҳтож бўлган, лекин шартномани ўз вақтида тузмаган ташкилотларга, хўжаликларга ва жисмоний шахсларга, шартнома тузмаганларига сув берилмайди.

Ўзбошимчилик билан сувдан фойдаланувчиларга жарималар солинади ва улар қонун олдида маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиладилар. (Ўзбекистон давлати Вазирлар Маҳкамасининг қарори, август 1993 йил).

Хорижий мамлакатларда сугоришни жадал режалаштиришда тупроқ фаол қатламидаги намлик танқислигига асосланади. Бу усул АКШ-да, Германия ва Голландияда биринчи бўлиб яратилган, кейин Болгария ва Украинада тадбиқ этилган. Ўзбекистонда эса 1986 йил-